

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 327,5 (620)**

МАДАМИНОВА ДУРДОНА ИСКАНДАРОВНА

**МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИ
МИНТАҚАСИДАГИ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СИЁСАТИ**

23.00.04 – Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг
сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2010

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Халқаро муносабатлар» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

сиёсий фанлар доктори
Ёвқочев Шухрат Акмалевич

Расмий оппонентлар:

сиёсий фанлар доктори, профессор
Тўлаганова Ниҳола Ўзбековна

сиёсий фанлар номзоди
Абдуллаев Нодир Абдулхаевич

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Ҳимоя 2010 йил _____ ойининг ___ куни соат ___ да Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Д.005.15.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54.

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кутубхонасида танишиш мумкин (100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54).

Автореферат 2010 йил _____ ойининг ___ куни тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби**

с.ф.н. М.М.Баҳадиров

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Хавфсизликнинг долзарб муаммолари, янги таҳдид ва чақириқларга қарши кураш, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожини учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлган глобал “кун тартиби”нинг марказий нуқтаси минтақавий миқёсга тўғри келади. Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “...мутлақо янгича маъно-мазмундаги ... мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда”¹. Зеро, жуғрофий жиҳатдан Европа, Осиё ва Африка каби уч қитъанинг кесишув нуқтасида жойлашган Ўрта Ер денгизи минтақаси ҳам бундан мустасно эмас.

МАР (Миср Араб Республикаси) Ўрта Ер денгизиде кечаётган сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатувчи асосий кучлардан саналади. Араб давлатлари ичида аҳоли сони² ва ҳудудий тузилиши жиҳатидан йирик саналган, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мавқеига кўра минтақа давлатларига нисбатан устунликка эга бўлган Миср Яқин Шарқда ўзига хос ўрин эгаллайди. Географик жиҳатдан Европа, Осиё ва Африка қитъалари туташган ҳудудда жойлашган ҳамда Ғарб давлатларини араб нефти билан таъминловчи Сувайш каналига эга бўлган Миср давлати нафақат минтақавий, балки халқаро миқёсда муҳим стратегик ўринга эга³.

Ушбу мавзунинг долзарблиги энг аввало, унинг ханузгача махсус тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмаганлиги билан белгиланади. Ваҳоланки, Миср томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсат ва унинг қай тарзда ташкил этилганлиги кўп жиҳатдан Ўрта Ер денгизи минтақасидаги кучлар мувозанатини белгиловчи аҳамият касб этади. Шу боис, Мисрнинг иттифоқчи ва ҳамкор сифатида айнан кимни ўзига муносиб кўриши борасидаги рақобат майдони тобора кенгайиб бормоқда.

Масаланинг долзарблиги яна шундаки, МАР Араб-Исроил можароси ва Судандаги фуқаролик урушига барҳам бериш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, Евро-Ўрта Ер денгизи бўйича ҳамкорлар эътиборини жанубий Ўрта Ер денгизи ижтимоий-иқтисодий муаммоларига қаратиш, аҳолини иш ва истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва қашшоқликка қарши кураш каби масалаларга доир илгари сураётган кўплаб ташқи сиёсий ташаббусларни илмий таҳлил қилиш кўзда тутилган.

МАРнинг Ўрта Ер денгизи ва Яқин Шарқ минтақаларида хавфсизликни таъминлаш борасидаги тажрибаси Ўзбекистон Республикасида катта қизиқиш уйғотганлиги боис, мавзунинг назарий асосларини ўрганиш, амалий мулоҳазалар келтириш тадқиқотнинг долзарблигини янада оширади. Зеро,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.176.

² 2008 йилнинг июнь ойида Мисрда демографик муаммоларга бағишланган конференциядаги нутқи чоғида Президент Ҳусни Муборак МАРнинг аҳоли сони 80млн.га етганлигини маълум қилган.

³ Муҳаммадсидиқов М.М. Сувайш канали ва унинг стратегик аҳамияти // Шарқшунослик (ТошДШИ). – Тошкент, 2005. – №1. – Б. 97-98.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Мамлакатларимиз ва халқларимиз хавфсизлигига бир хилда таҳдид солаётган хатарларнинг умумийлигини англаш бизни бирлаштириши зарур ва шартдир”¹.

МАР Ўрта Ер денгизи ва Яқин Шарқ минтақаси халқаро муносабатлари тизимида тутган ўрни масаласининг айрим жиҳатларига, хусусан Исроил ва Фаластин можаросини ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларига тўхталинса-да, бугунги кунда МАРнинг Ўрта Ер денгизи хавфсизлик тизимида ҳамда Евро-Ўрта Ер денгизи интеграцион жараёнларида тутган ўрни ва роли тадқиқ этилмаган. Шу жиҳатдан, ушбу масалаларни тизимли ўрганиш, унинг илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мисрнинг Ўрта Ер денгизи ва Яқин Шарқ минтақаси халқаро муносабатлари тизимида тутган ўрни, шунингдек ХХІ аср бошларида юритилган муҳим ташқи сиёсий фаолиятига қарамай, бугунги кунда МАРнинг Ўрта Ер денгизи хавфсизлик тизимида ва Евро-Ўрта Ер денгизи интеграцион жараёнларида тутган ўрни ва ролига бағишланган миллий ва халқаро миқёсда махсус асарлар учрамайди. Бироқ, мазкур масаланинг айрим жиҳатлари қисман ёритилган адабиётлар мавжуд.

Шу ўринда, тадқиқот ишининг эмпирик асосини ташкил этувчи чоп этилган материаллар хусусида фикр юритиш мумкин. Жумладан, рус олимларидан А.Агарышев, Н.Арбатова, М.Баглиев, И.Беляев, В.Беляков, А.Борисов, М.Буровцев, А.Васильев, М.Видясова, С.Воронин, Б.Гагиев, Б.Гашев, М.Евтодьева, А.Егорин, А.Захаров, И.Звягельская, Я.Камлевская, К.Капитонова, А.Князев, А.Кудрявцев, Л.Медведко, Э.Панфиленко, М.Ражбадинов, Б.Сейранян, В.Титоренко, Г.Удалова, М.Умеров, О.Фомин, Т.Шмелева ва шу кабиларнинг асарларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Араб Шарқидаги халқаро жараёнларга бағишланган ишларни ҳам алоҳида гуруҳга киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотлардаги асосий эътибор араб дунёсидаги миллий-озодлик ҳаракатлари ва уларнинг минтақа ижтимоий-иқтисодий жараёнларига кўрсатган таъсирига қаратилган².

¹Каримов И.А. Тошкент саммити ШХТнинг ташкилий жиҳатдан шаклланишидаги муҳим босқичдир. (ШХТнинг Тошкент саммитида сўзлаган нутқи, 2004 йил 17 июнь) // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.343.

² Кудрявцев А. Арабский мир и палестинская проблема. – М.: Наука, 1990. – 383 с; Азатян В., Ткаченко А. Интеграционные процессы в экономике стран Северной Африки. – М.: ИИИБВ РАН, 2000. – 410 с; Егорин А. Ближний Восток: Гонка вооружений... «во имя мира». – М.: ИИИБВ РАН, 2000. – 507 с; Хазанов А. Политика России на Ближнем и Среднем Востоке // Международные отношения на Ближнем и Среднем Востоке и политика России на рубеже ХХІ века. – Москва, 2000.-С. 67-79; Бакланов А. Ближний Восток на рубеже ХХІ века: К созданию системы региональной безопасности. – М.: МГИМО, 2001. – 169 с; Донцов В. Современные исламские движения и организации на Ближнем Востоке в системе международных отношений. – М.: ИИИБВ РАН, 2001. – 212 с; Пырлин Е. Трудный и долгий путь к миру. – М.: РОССПЭН, 2002. – 508 с; Борисов А. Арабский мир: Прошлое и настоящее. – М.: ИВ РАН, 2002. – 254 с; Сапронова М. Государственный строй и конституции арабских республик. – М.: ИИИБВ РАН, 2003. –327 с; Степанова Н. Интеграционные процессы в арабском мире: Региональные подсистемы и региональные проблемы международных отношений. – М.: МГИМО, 2002. – С.34-38; Примаков Е. Мир после 11 сентября. – М.: Мысль, 2002. – 188 с; Эпштейн А. Бесконечное противостояние. Израиль и арабский мир: Войны и дипломатия. История и современность. – М.: ИИИБВ, 2003. – 229 с; Ланда Р. История арабских стран.- М.: Восточная литература, 2005. – 319 с.

Ўрта Ер денгизи минтақавий хавфсизлиги ва интеграциялашуви жараёнига бағишланган Н.Арбатова ва М.Евтодъеванинг тадқиқот ишларида эса Миср Араб Республикасининг мазкур минтақада тутган ўрни масаласига етарли эътибор берилмаган¹.

Айрим адабиётларда Яқин Шарқ минтақасининг халқаро муносабатлари хусусиятини белгилашда муҳим саналган Араб-Исроил муаммосини ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур тадқиқот ишлари гуруҳига МАРнинг изчил ҳаракатлари асосида Исроил ва Фаластин ўртасидаги можарони ҳал этишга қаратилган услуб ва воситаларга бағишланган бир қатор асарларни ҳам киритиш мумкин².

Тадқиқ этилаётган муаммони ўрганишда Миср тарихи ва жамият ҳаётининг сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий қирраларини очиб беришга бағишланган тадқиқот ишлари алоҳида қизиқиш уйғотади. XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларига оид Миср тарихини ўрганишда рус олимларидан А.Агарышев, И.Беляев, Б.Сейранян ва А.Егорин³ каби муаллифларнинг асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

МАРнинг ички сиёсий ва иқтисодий ривожига бағишланган Э.Папфиненко ва А.Васильевларнинг ҳамда Мисрнинг иқтисодий салоҳиятини, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминловчи давлат ресурсларини таҳлил қилишга уринган Б.Гашев, М.Касторный, Б.Гагиев, Т.Шмелев, С.Бондаренко асарларини ҳам келтириш ўринли⁴. М.Видясова ва М.Умеровлар илмий изланишларида XX асрнинг учинчи чорагида Мисрнинг модернизациялашнинг сиёсий ва иқтисодий қирралари тадқиқ этилган⁵.

Радикал ва экстремистик кайфиятдаги ташкилотларнинг фаоллашуви ҳамда уларнинг Ўрта Ер денгизи ва Яқин Шарқ минтақасидаги халқаро муносабатлар тизимига таъсири масаласи В.Беляков, М.Баглиев,

¹ Арбатова Н. Средиземноморье: Проблема безопасности. – М.: 1990. – 360 с; Евтодьева М. Европейские страны, Ближний Восток и проблемы безопасности в Средиземноморском регионе // Вестник аналитики. – Москва, 2008. – № 1(31). – С. 47-64.

² Поляков К. Палестинское движение сопротивления в период интифады: Проблемы и противоречия. – М.: Мысль, 2000. – 119 с; Мирский Г. Израиль и палестинцы: Самый длительный конфликт // МЭМО. – Москва, 2001. – № 3. – С. 34-39; Близняков Р. Проблема Палестины в ООН: Автореф. канд. ... ист. наук. – Москва, 2006. – 23 с; Примаков Е. Конфиденциально: Ближний Восток на сцене и за кулисами (Вторая половина XX - начало XXI века). – Москва, 2006.-382 с; Малышев Д. Палестинская проблема в международных отношениях: Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Москва, 2006. – 22 с; Бард М. Путеводитель по арабо-израильскому конфликту. – Москва, 2007. – 476 с.

³ Беляев И. Египет: Время президента Насера. – М.: ИВ РАН, 1981. – 234 с; Агарышев А. От Кэмп-Дэвида к трагедии Ливана. – Москва, 1983. – 191 с; Сейранян Б. Хосни Мубарак: Начало политической деятельности. – М.: Наука, 1997. – 303 с; Егорин А. Египет нашего времени. – М.: ИВ РАН, 1998. – 507 с.

⁴ Папфиненко Э. Энергетическое хозяйство Египта // Арабские страны Западной Азии и Северной Африки. – М.: ИВ РАН, 1997. – Вып. 1. – С.22-29; Васильев А. Египет и египтяне. – М.: Классика-плюс, 2000. – 350 с; Гашев Б. Египет и экономический регионализм // Арабский сборник. – М.: ИВ РАН, 2000. – С. 45-49; Касторный М. Демографические аспекты развития рынка труда в Египте (1970-1990гг.) // Востоковедный сборник. – М.: ИИИБВ РАН, 2001. – Вып. 2. – С.50-54; Гагиев Б. О развитии водных ресурсов Египта и вариантах их использования // Ближний Восток и современность. – М.: ИИИБВ РАН, 2002. – Вып. 13. – С. 40-45; Шмелева Т. Особенности политического и экономического развития АРЕ (1981-2001гг.) // Востоковедный сборник. – М.: ИИИБВ РАН, 2002. – Вып. 3. – С.78-82; Бондаренко С., Ткаченко А. Нефть и газ Египта и Алжира на рубеже XX-XXI вв. – М.: ИИИБВ РАН, 2003. – 474 с.

⁵ Видясова М., Умеров М. Египет в последней трети XX века. – М.: ИИИБВ, 2002. – 247 с.

А.Кудрявцев, М.Ражбадинов ва Я.Камлевская¹ каби олимларнинг илмий изланишларида ёритилган. Уларда радикал кайфиятдаги гуруҳларнинг ривожланиш эволюцияси ҳамда МАР ва минтақанинг бошқа давлатлари ички сиёсатига таъсири қисман очиб берилган.

Шу ўринда, МАР ташқи сиёсатининг у ёки бу қирраларини очиб берувчи А.Борисов, М.Буровцев, Г.Удалова, В.Титоренко, Э.Панфиленко ва С.Воронин кабиларнинг асарларига ҳам муурожаат этиш жоиз². Тадқиқотчилар умумараб муаммолари ечимида собиқ президентлар Ж.Носир, А.Садат ҳамда амалдаги давлат раҳбари Х.Муборакнинг ўрнига баҳо берганлар. Л.Медведко, А.Захаров, О.Фомин ва И.Звягельская кабиларнинг асарларида эса, МАРнинг минтақавий етакчилик мақомига эришиш йўлида олиб борилаётган изчил ташқи сиёсати ҳақида четлаб ўтилганлигини кўриш мумкин³.

Тадқиқотчи А.Борисов Мисрнинг ички ва ташқи сиёсатида ислом омилининг тутган ўрнига эътибор қаратиб, унинг АДУ (Араб давлатлари уюшмаси)га қайтарилиши, МАРнинг ислом форумларининг ташкилий марказларидан бирига айланишига имкон яратганлигини таъкидлайди.

В.Юрченконинг асарларида Мисрнинг хорижий давлатлар билан ҳарбий-техникавий соҳада фаол ҳамкорлик олиб бораётганлиги баён қилинади⁴. Ҳарбий қурилмалар масаласи миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг таркибий жиҳатларидан бири сифатида яна кўплаб олимлар томонидан ҳам ўрганилган⁵.

Шу ўринда, илмий фаолиятини минтақа ва давлат даражасидаги хавфсизликни таъминлаш масаласига бағишлаган ўзбекистонлик олимлар қаторига С.Турсунова, А.Файзуллаев, Н.Абдуллаев, Ш.Ёвқочев, Таха Ферғали Абдел Ҳаким, Р.Абдулмаджидов, Р.Алимов, М.Муҳаммадсидиқов,

¹ Беляков В. Заслон исламскому радикализму // Азия и Африка сегодня. – Москва, 1997. – № 5. – С. 65-68; Баглиев М. Уроки борьбы с исламским экстремизмом // Азия и Африка сегодня. – Москва, 2002. – № 12. – С. 3-10; Кудрявцев А. Мусульманско-коптские конфликты в Египте (70-е годы XX в. - начало XXI вв.) // Ближний Восток и современность. – М.: ИИИБВ, 2002. – Вып. 14. – С. 11-17; Ражбадинов М. Египетское движение «Братьев-мусульман». – М.: ИВ РАН, 2004. – 431 с; Камлевская Я. Египет: Пример успешного противодействия терроризму // Азия и Африка сегодня. – Москва, 2004. – № 4. – С. 78-81.

² Борисов А. Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта (XX в.). – Москва, 1991. – 215 с; Буровцев М. Внешняя политика Египта на рубеже 90-х годов // Спец. бюллетень. – М.: ИВ РАН, 1991. – № 2. – С.101-107; Удалова Г. “Центросиловая” динамика Египта в ближневосточной региональной системе // Роль региональных “центров силы” в Азии. – Москва, 1991. – С. 9-18; Титоренко В. Формирование внешней политики Египта после Г.А.Насера (1970-1993гг.). – М.: ИИИБВ, 1994. – 315 с; Панфиленко Э. Конфликтные ситуации в отношениях между Суданом и Египтом // Арабские страны: Проблемы социально-экономического и общественно-политического развития. – Москва, 1995. – Вып. 2. – С. 79-88; Воронин С. Международные отношения на Ближнем и Среднем Востоке и политика России на рубеже XXI века. – Москва, 2000. – 321 с.

³ Медведко Л. К востоку и западу от Суэца. – М.: Международные отношения, 1980. – 174 с; Захаров А. Кэмп-Дэвид: Политика, обреченная на провал // Международные отношения. – Москва, 1982. – С.30-36; Звягельская И. “Конфликтная политика” США на Ближнем Востоке. – Москва, 1990. – 187с; Капитонова К. Ближний Восток в лицах. – Москва, 1998. – 439 с.

⁴ Юрченко В. Армия и власть в Египте // Армия и власть на Ближнем Востоке. – М.: ИИИБВ, 2002. – С. 50-62; Ўша муаллиф. Египет: Проблемы национальной безопасности. – М.: ИИИБВ, 2003. – 311 с.

⁵ Вооруженные силы и военная экономика стран Азии и Северной Африки: Информационно-аналитический справочник / Отв. ред. А.Егорин. – М.: ИВ РАН, 2002. – 383 с.

К.Шаниязов, А.Абдисаттаров, С.Ибрагимова, О.Сирожев ва Ч.Кўчаров кабиларни киритиш мумкин¹. Мазкур муаллифлардан Р.Алимов ва А.Файзуллаевнинг асарлари тадқиқот ишининг назарий асосини ташкил этади, уларда миллий манфаат, минтақавий хавфсизлик ва давлат бошқарувида оид фикрлар берилган.

Шунингдек, Ш.Ёвқочев ўз тадқиқот ишида МАРнинг исломий партия ва ҳаракатларининг нафақат давлат ва минтақа жамоатчилигининг сиёсий ҳаётига, балки Мисрнинг ташқи сиёсий қарашларига ҳам таъсир кўрсатиш имконини берувчи сиёсий тажрибага эга эканлигини эътироф этган. Шу ўринда, Н.Абдуллаев, М.Муҳаммадсидиқов, К.Шаниязов, А.Абдисаттаров, С.Ибрагимова, О.Сирожев ва Ч.Кўчаров каби олимларнинг асарларида “ислом омили” ички ва ташқи сиёсатга таъсир кўрсатувчи бош омиллардан бири сифатида тилга олинганлигини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, МАР ташқи сиёсатининг муҳим йўналишлари устида иш олиб борган Р.Абдулмажидов Мисрнинг АҚШ ва Исроил каби давлатлар билан ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор қаратган. Мисрнинг араб дунёсидаги сиёсатида бағишланган бобида МАР дипломатиясининг ўзига хос жиҳатларига баҳо берилган.

Хорижий тиллардаги адабиётлар туркумини Л.Кантори, С.Хантингтон, Д.Перез, Д.Маковский, Ж.Алфер, А.Голдсмит, Б.Бузан кабиларнинг асарлари² ташкил қилади. Жумладан, америкалик олим А.Голдсмит асарида Миср давлатчилигининг узоқ йиллик шаклланиш тарихи ўрганилган.

Америкалик олим Л.Кантори Ҳусни Муборакнинг президентлик даврига бағишлаб ёзилган асарида Мисрнинг Яқин Шарқдаги сиёсатида қисман

¹ Турсунова С. Египет в ближневосточной политике США // Ташкент: ТашГУ, 1983. – Вып. 690. – С. 95-103; Файзуллаев А. Инсон, сиёсат, бошқарув. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 520 б; Абдуллаев Н.А. Региональная политика Сирийской Арабской Республики в свете ближневосточного урегулирования: Автореф. дис. ...канд. полит. наук. – Ташкент, 2000. – 24 б; Ёвқочев Ш. Исламский фактор в политической системе современного Египта. – Ташкент: ТИУ, 2008. – 212 с; Абдулмажидов Р. Основные направления внешней политики Египта в 1980-2002гг.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – М.: ИВ РАН, 2003. – 28 с; Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. – Ташкент: Шарк, 2005. – 464 с; Муҳаммадсидиқов М.М. Саудия Арабистонининг Қизил денгиз минтақасида хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг хусусиятлари: Сиёс. фан. номз. ...дисс.автореф. – Тошкент: ТДШИ, 2005. – 25 б; Шаниязов К.К. Палестинская проблема в ближневосточной политике США: Автореф. дис. ...канд. полит. наук. – Ташкент: ТашГИВ, 2005. – 23 с; Абдисаттаров А.А. Форс кўрфази Араб давлатлари ташқи сиёсатида “ислом омили”нинг сиёсий таҳлили: Сиёс. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 24 б; Ибрагимова С.Ш. Международный терроризм как фактор угрозы безопасности Республики Узбекистан: Автореф. дисс. ...канд. полит. наук. – Ташкент, 2005. – 23 с; Сирожев О. Минтақавий муаммолар ва уларни бартараф этишда Ўзбекистон омили: Сиёс.фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2006. – 23 б; Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиё минтақавий интеграцион жараёни муаммолари: Сиёс. фан. докт. ...дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 46 б.

² Cantori L. Egyptian policy under Mubarak: The politics of continuity and change // The Middle East after the Israeli invasion of Lebanon. – Syracuse, 1986. – P. 22-27; Ўша муаллиф. Unipolarity and Egyptian hegemony in the Middle East // The Middle East after Iraq's invasion of Kuwait. – Gainesville, 1993. – P. 13-15; Samuel P Huntington. The Clash of Civilization? // Foreign Affairs, Summer, 1993. – P.22-49; Peretz D. The Arab-Israeli Dispute. – New York: Grove press, 1996. – P. 324; Makovsky D. Making peace with the PLO: The Rabin government's road to the Oslo Accord.- Boulder (Col.). – Oxford: Westview press, 1996 –P. 89-94; Alpher J. Israel: The challenges of peace // Foreign policy. – New York, 1996. – № 101. – P.100; Goldschmidt A. Modern Egypt: The Formation of a Nation State. – USA: Westview Press, 2004; Busan B. The Implications for the Study of International Relations // Global Responses to Terrorism / Mary Buckley and Rick Fawn Eds. London and New York: Routledge, 2004. – P. 299.

тўхталиб ўтган. Ж.Алфер, Д.Перез ва Д.Маковский асарларида эса Ўрта Ер денгизи минтақасидаги хавфсизлик сиёсатини белгилашда муҳим саналган Араб-Исроил можаросининг кечишига доир маълумотлар келтирилган. Бироқ, мазкур можарони ҳал этиш борасидаги айрим масалаларга бир ёқлама тарзда, яъни АҚШ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашилган.

Ишда ўз аксини топган араб тадқиқотчилари¹ орасида, Мисрнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишдаги ролига эътибор қаратган олим, МАР ташқи сиёсатининг фаол иштирокчиси², мисрлик буюк жамоатчилик ва давлат арбоби Бутрос Бутрос Ғолийни алоҳида тилга олиш зарур. Мисрлик тадқиқотчилар Аҳмад Иброҳим Маҳмуд ва Муҳаммад Кадари Саид асарларида МАР ташқи сиёсатининг Х.Муборак даврига хос бўлган устувор жиҳатлари ўрганилган³. Араб тадқиқотчиси Муҳаммад Абдул Хади Алламнинг 1990-йилларда юритилган МАР дипломатиясига бағишланган асарида Мисрнинг “кўптармоқли ташқи сиёсат” га асосланган даври ўрганилган⁴.

Араб Шарқидаги жараёнлар ва МАРнинг минтақадаги ўрнини чуқур таҳлил этишда Бахгат Корани, Имад Рад, Али Хилал ад-Дессуқи, Аҳмад Юсуф ал-Карие, Иброҳим Нафие, Осама Газали Харб, Муҳаммад Ҳасанейн Хейкал, Ҳасан Абу Талиб ва Таха Ферғали Абдел Ҳаким каби араб олимларининг тадқиқот ишлари ниҳоятда қимматлидир. Уларнинг мақолалари “Ас-Сияса ад-Даулия”, “Ал-Мустақбал ал-Арабия”, “Ал-Маалюмат ад-Даулия”, “Шуун Арабия” каби машҳур араб журналлари ва даврий нашрларида чоп этиб борилади. Шунингдек, диссертация ишида даврий нашрларда чоп этилган материаллардан ҳам кенг фойдаланилган⁵.

Айни пайтда, МАР ташқи сиёсатининг турли жиҳатларига бағишланган кўплаб асарлар мавжуд, бироқ Мисрнинг Ўрта Ер денгизи минтақасининг

¹ Heikal Mohamed. Sphinx and Commissar. – L.: Collins, 1978. – P. 231; Ўша муаллиф. Autumn of Fury: The Assassination of Sadat. – N.-Y.: Random House, 1983. – P. 134; Nafie Ibrahim. Three nations, four days // Al-Ahram weekly. – Egypt, 1999. – № 415. – P. 31-33; Джад Имад. ас-Сияса ал-Харижия ал-Мисрия фи аш-Шарқ ал-Аусат // Ас-Сияса ад-Даулия. – Ал-Қоҳира, 2000. – № 139. – С. 12-17; Шалаби Ас-Сейид Амин. Назратун ала ас-Сияса ал-Харижия ал-Мисрия фи Хамсин Аман (1952-2002) // Ас-Сияса ад-Даулия. – Ал-Қоҳира, 2002. – № 149. – С. 3-6; Таха Фарғали Абдел Ҳаким. Процессы становления и развития современных египетско-узбекских отношений. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Ташкент: ТашГИВ, 2002. – 24 с.

² Boutros Boutros-Ghali. Egyptian diplomacy in 1989. – Cairo, 1990. – P. 242; Гали Б. Путь Египта в Иерусалим. – М.: Труд, 1999. – 413 с.

³ Махмуд Ахмед Ибрахим. Миср ташқи ишлар вазирлиги. – Қоҳира: «Аль-Ахрам» сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази, 2003. (араб тилида); Муҳаммад Кадари Саид. Амн аш-Шарқ ал-Аусат фи ал-Хивар ал-Масрий ал-Амрикий // Ас-Сияса ад-Даулия. – Ал-Қоҳира, 1998. – № 134. – С. 55-58; The Middle East and North Africa: Regional surveys of the world: Europa Publications. – L.: Cresset press, 2000; Ближний Восток: Проблемы региональной безопасности: Сб. ст. – Москва, 2000. – 207 с.

⁴ Абдул Хади Аллам Муҳаммад. XX асрнинг 90-йилларда Миср дипломатияси: халқаро муносабатларнинг янги тизимига ўтиш. – Қоҳира, 2002. – 149 б (араб тилида).

⁵ Араб даврий нашрлари: “Ахбар ал-Явм”, “Ал-Иттиҳад”, “Ал-Ахрам”, “Al-Ahram Weekly”, “Al-Siyassa Al-Dawliya”, “Egypt Magazine”, “Аш-Шарқ ал-Авсат”, “Ал-Хайат”, “Ал-Ахбар”, “Ал-Усбуа”, “Ал-Жумҳурия”, “Al-Seyasa”, “Ал-Анба”, “Letter From Cairo”, “Al-Musawar”, “Ал-Мажалла”, “Аш-Шааб”, “Ал-Ахали”; Ғарбий нашрлар: “Washington post”, “New York Times”, “Wall Street Journal”, “MEED”, “Middle East intern”, “Mideast Mirror”, “Nesweek”, “Middle East Review”, “Middle East”; Исроил нашри: “Вести”, “Иерусалим пост”, “Макор ришон”; Россия нашри: “Азия и Африка сегодня”, “Мировая экономика и международные отношения”, “Вестник аналитики”.

халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрнини ўзида акс эттирган комплекс яратилмаган ва махсус тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари мавзулари мажмуига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мисрнинг Ўрта Ер денгизи минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсати ва саъй-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва шу асосда илмий хулосалар чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсад ва диссертация ишининг умумий концептуал ғояларига мувофиқ ҳолда, қуйидаги вазифалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди:

- миллий, минтақавий ва глобал хавфсизлик тушунчаларини амалий жиҳатдан ўрганиб чиқиб, уларга назарий-методологик тавсиф бериш ҳамда минтақавий хавфсизлик механизмларини тадқиқ этиш;

- Ўрта Ер денгизи минтақасининг геосиёсий, стратегик, ҳарбий-сиёсий ва интеграцион жиҳатларини ўрганиш ҳамда араб давлатлари орасида ва минтақада етакчи куч бўлган Миср ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини таҳлил этиш;

- Мисрнинг муҳим ташқи сиёсий мақсадларини аниқлаш ҳамда МАРнинг Шимолий Африка ва араб давлатлари ҳамжамияти доирасидаги муносабатларини кузатган ҳолда, уларга ҳолисона сиёсий баҳо бериш;

- Мисрнинг Европа давлатлари билан муносабати ҳамда унинг Европа ва Евро-Ўрта Ер денгизи хавфсизлик ва ҳамкорлик жараёнидаги иштирокини ўрганиб чиқиш ҳамда Ўрта Ер денгизи минтақавий хавфсизлик тизимидаги ролини аниқлаш;

- Араб-Исроил можаросини ҳал этиш борасида Мисрнинг ташқи сиёсий ташаббусларини таҳлил этиб, уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш;

- Мисрнинг миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда муҳим ҳисобланган ҳарбий салоҳиятини аниқлаш;

- диссертация матни мазмунидан келиб чиққан ҳолда асосий хулосалар ҳамда тадқиқ этилаётган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси ва МАР ўртасидаги хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўрта Ер денгизи минтақасидаги хавфсизлик сиёсати тадқиқотнинг объектини ташкил этади.

Тадқиқот предмети - Мисрнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш сиёсати, халқаро ва минтақавий миқёсдаги хавфсизлик институтларидаги иштироки, Қоҳиранинг хавфсизлик борасидаги ташқи сиёсий ташаббуслари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Тадқиқотнинг манбавий асосини, Ўзбекистон Республикаси, Миср Араб Республикаси ва жаҳоннинг тегишли нуфузли ташкилотлари ва муассасаларининг араб, инглиз ва рус тилларидаги

турли ҳужжатли материаллари ҳамда мисрлик сиёсий арбоб ва олимларнинг асарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Яқин Шарқ давлатлари, жумладан, МАР ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликка оид материаллар ташкил этди.

Мавжуд материаллар билан танишиш ва диссертация матнини тайёрлаш чоғида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, шунингдек геосиёсат, минтақавий муаммолар ва халқаро муносабатлар соҳасидаги илмий-тадқиқотчи, эксперт ва сиёсатшунос олим ва мутахассисларнинг илмий ишланмаларида келтирилган ахборот манбаларидан фойдаланилди.

Тадқиқот методлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида илгари сурилган давлат сиёсатининг хавфсизликни таъминлаш борасида чуқур таҳлилий асосда ёритилган нутқ ва асарлари диссертациянинг муҳим методологик асосини ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва хавфсизлик соҳасига доир қонунлар, шунингдек, турли халқаро ташкилотларнинг экспертлари хулосалари меъёрий асос бўлиб хизмат қилган. Ишда Миср хавфсизлик сиёсатининг турли қирраларини ёритиш имконини берувчи тизимли қиёсий-таҳлилий, тарихий ва сиёсий таҳлил каби умумилмий ва ихтисослаштирилган методлардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқот гипотезаси. Мисрнинг араб ва мусулмон мамлакатлари орасида салоҳияти жиҳатидан кенг таъсир доирасига эга давлат эканлиги ҳамда Ўрта Ер денгизидаги араб мамлакатларини ўз қўли остида бирлаштиришга, Африка қитъаси ва Евросиё маконида стратегик барқарорликни таъминлашга қаратилган интилишлари унинг минтақадаги ўрни ва мавқеининг тобора ортиб боришига ёрдам беради. Бунда араб мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги ва диний-маданий жиҳатдан бирлиги интеграцион жараёнларнинг кучайишига сабаб бўлади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Миср миллий хавфсизлиги кўп босқичли тизимли механизмдан иборат бўлиб, миллий хавфсизликни таъминлаш сиёсати минтақавий ва глобал хавфсизлик манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

- МАР мувозанатлашган ва мақсадли йўналтирилган ташқи сиёсий фаолият юритиш орқали минтақавий етакчи ва “белгиловчи куч маркази” мавқеини мустаҳкамлашга интилади;

- Мисрнинг ташқи сиёсий фаолияти Ўрта Ер денгизи, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ минтақасида, шунингдек араб дунёси, Африка қитъаси ва Евросиё маконида стратегик барқарорликни таъминлашга қаратилган;

- МАР ЕИ давлатлари ва Европанинг хавфсизлик институтлари билан ўзаро муносабатларда уларни Фаластин муаммосини ҳал этишга фаол жалб этиш ва Европа сармояларини жалб қилишга интилади. Ўз навбатида, Европа давлатлари МАРнинг минтақада тутган ўрни ва мавқеини юқори баҳолайдилар;

- МАР ташқи сиёсати Араб-Исроил ҳарбий-сиёсий можаросини бартараф этиш, Ўрта Ер денгизи иттифоқини тузиш ва Ўрта Ер денгизининг жанубини Европа ҳамжамиятининг ижтимоий-иқтисодий даражасига етказишга қаратилган. Гарчанд, АҚШ, ЕИ ва РФ каби дунёнинг етакчи “куч марказлари”нинг бу борадаги ёндашувларида ички тафовутлар мавжуд бўлсада, Миср тинчликни ўрнатишдан иборат ташқи сиёсий фаолиятини жадал давом эттирмоқда;

- мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлиги мустаҳкам Миср, Ўрта Ер денгизи ва Яқин Шарқ минтақаси ташқи манфаатларини таъминлашга қодир бўлган давлат ресурсларига эга;

- минтақавий хавфсизликни таъминлашда Мисрнинг тутган ўрни ва ролини, икки давлатнинг халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги мавжуд куч ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш истиқболлари аниқланмоқда.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ўрта Ер денгизи ҳамда Мисрнинг минтақавий жараёнлардаги иштироки мисолида миллий, минтақавий ва глобал хавфсизлик муаммосининг назарий ва методологик жиҳатларига тавсиф берилган;

- Мисрнинг Ўрта Ер денгизи ва Яқин Шарқ минтақасидаги ташқи сиёсий стратегиясининг мазмуни ва асосий йўналишлари таҳлил этилган;

- Мисрнинг ташқи сиёсий фаолияти ҳамда Шимолий Африка ва Яқин Шарқ давлатларининг минтақавий хавфсизлиги ва барқарор ривожига доир муҳим масалаларга комплекс тарзда баҳо беришга ҳаракат қилинган;

- Мисрнинг ЕИ давлатлари билан муносабатлари, шу ўринда Евро-Ўрта Ер денгизи интеграцияси ва хавфсизлик сиёсати масаласидаги ҳамкорлик алоқалари комплекс тарзда ўрганилган, бунда асосий эътибор МАРнинг Ўрта Ер денгизи минтақаси жанубидаги ночор халқларнинг бирламчи ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ҳамда Европа сармоясини мазкур давлатлар иқтисодиётига жалб қилиш мақсадида Ўрта Ер денгизи иттифоқини ташкил этишдаги фаоллиги кўрсатилган;

- МАРнинг Араб-Исроил можаросини ҳал этиш борасидаги бирламчи ташаббуслари, яъни Мисрнинг “Осло жараёни” ва “Йўл ҳаритаси” кабилардаги ташаббуслари мисолида акс эттирилган;

- Мисрнинг мудофаа кучлари ҳолати миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминловчи омиллардан бири сифатида ўрганилган;

- диссертация матни мазмунидан келиб чиққан ҳолда асосий хулосалар ҳамда тадқиқ этилаётган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси ва МАР ўртасидаги хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида халқаро-сиёсий фанлардан дарс

бериш жараёнида ҳамда дарслик, ўқув дастурлари, методик қўлланмалар яратишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари, тегишли вазирлик, идора ва оммавий ахборот воситалари фаолиятида фойдаланиш мумкин. Илмий хулосалар МАРнинг минтақа ва дунё давлатлари билан икки томонлама муносабатлари, Мисрнинг халқаро ташкилотлардаги иштироқи ҳамда Ўзбекистон-Миср муносабатларининг истиқболлари каби масалаларга бағишланган ихтисосликка оид илмий-тадқиқот ишларини тайёрлашда базавий асос вазифасини ўташи мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий хулоса ва тавсиялар, муаллифнинг илмий журналлар ҳамда илмий-назарий конференция материаллари ва илмий тўпламларда чоп этилган мақолаларида, шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўқитиладиган “Минтақаларо сиёсий жараёнлар ва муаммолар”, “Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари” ва “Геосиёсат” фанлари маъруза матнларида ўз ифодасини топган.

Ишнинг апробацияси. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтининг “Сиёсатшунослик” ва “Халқаро муносабатлар” кафедралари Қўшма йиғилишида (22.04.2009), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети “Халқаро муносабатлар” кафедраси мажлисида (14.09.2009), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Халқаро муносабатлар факультети қошидаги Муаммовий кенгаш мажлисида (30.09.2009) ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Д.005.15.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда (13.01.2010) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 11 та иш эълон қилинган. Шу жумладан, 3 таси махсус илмий журналларда чоп этилган бўлиб, уларда диссертациянинг асосий мазмуни, хулоса ва натижалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 166 бетни ташкил этади. Тадқиқотда 253 та манба ва адабиётдан фойдаланилди.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарлиги, даврий чегараси, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, манбавий асослари, илмий янгилиги, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашнинг назарий ва методологик асослари**” деб номланган. Мазкур боб уч қисмдан иборат бўлиб, унда назарий-методологик

муаммолар ва хавфсизлик масалалари шунингдек хавфсизликни таъминлаш структура ва механизмлари таҳлили келтирилган.

Мазкур бобнинг “Глобал, минтақавий ва миллий хавфсизлик: тушунча ва хусусиятлари” деб номланган биринчи қисмида – “глобал хавфсизлик”, “минтақавий хавфсизлик” ва “миллий хавфсизлик” тушунчаларининг назарий асоси ва хусусиятлари тадқиқ этилиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш механизмларининг сифат кўрсаткичлари батафсил ўрганилган.

Сўнгги йилларда сиёсий соҳада хавфсизлик тобора макон ва замон каби чегара билмайдиган умумқамровли кадрият сифатида эътироф этилмоқда. Сиёсий адабиётлардаги “миллий хавфсизлик” тушунчасига берилган кўплаб таърифлар мазкур ҳолатни аниқ воқеликлар таҳлили асосида очиб беришга бўлган уринишларни умумлаштиради. Хусусан, манбалардан бирида, миллий хавфсизлик – “хавфсизлик объектининг хавфдан, яъни хусусиятларининг ёмонлашувидан ҳоли бўлган ҳолати ёки вазиятидир”¹; бошқа манбада хавфсизлик – “миллатнинг бошқа давлатлардан бўлгани каби, ўз давлатидан келиб чиқувчи ҳамда жамият равнақига хавф солувчи ички таҳдидларга қаршилик кўрсатишда керакли иқтисодий ва ҳарбий қудрат билан таъминланганлик ҳолатидир”²; учинчи манбада у – “ташқи хавфдан холи реал имконият”³; тўртинчисида – “ҳар қандай кўринишдаги эркин дунё нормаларининг бузилиши ёки халқлар хавфсизлигига раҳна солувчи таҳдидлардан холи бўлган халқаро муносабатлар ҳолатидир”⁴ дейилади.

Умуман олганда, миллий хавфсизлик – алоҳида шахс, ижтимоий гуруҳ, давлат ва жамиятнинг муҳим ҳаётий манфаатлари, шунингдек, миллий кадриятлар ва турмуш даражасининг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик, техник ва ҳ.к. кўринишлардаги реал ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганликдир.

Дунёнинг кўплаб минтақаларида, хусусан, Ўрта Ер денгизида хавфсизликни таъминлашнинг кўп босқичли хавфсизликни таъминлаш тизими шаклланган⁵. Ундаги мавжуд қатор механизмларнинг самараси кўзланган мақсадлардан йироқлигига қарамай, ушбу тизимларнинг амалда фаолият юритаётганлигини тан олиш керак. Шу билан бирга, халқаро хавфсизликнинг кўплаб минтақавий тизимлари фаолияти таҳлили, айрим ҳолларда глобал ва минтақавий ривожланиш муаммолари, шунингдек амалий фаолиятга доир сиёсий қарашларда етарли даражадаги келишувларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг самарали механизмини яратишда, мазкур “минтақавий макон” га кирувчи

¹ Периодический обзор ООН. – 1991. – Т. XIV. – С. 96-97.

² Скакунов Э. Всеобъемлющая безопасность: Модель перестройки международных отношений // Советское государство и право. – Москва, 1987. – № 5. – С. 104.

³ Ушаков Н. Проблемы теории международного права. – М.: Наука, 1988. – № 5. – С. 15.

⁴ Дипломатический словарь. – М.: Наука, 1985. – Т. 2. – С. 190.

⁵ Хусусан мазкур минтақада - НАТО, ЕИ, ЕХХТ, АДУ ва АИ каби қатор субминтақавий, минтақаларо ва макроминтақавий хавфсизлик тизимлари, шунингдек, Европа, Африка ва Яқин Шарқнинг тегишли, у ёки бу масала юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилувчи тизимлари (Шимолий Африкага хос) фаолият юритмоқда.

давлатларнинг коллектив хавфсизликка таҳдид солувчи омилларга қарши курашга қаратилган ўзаро мувофиқлаштирилган сиёсати ҳақидаги умумий тасаввурга эга бўлиш талаб этилади.

Келтирилган таснифлар хусусияти глобал хавфсизликнинг моҳиятини очиқ беришга ҳам хизмат қилгани боис, уни умумжаҳон тинчликнинг бузилишини истисно этувчи, жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий-сиёсий, молиявий-иқтисодий ва маънавий-гуманитар соҳалардаги барқарор ва мустаҳкам ривожини кафолатловчи ҳамда давлатлар ва давлатлар гуруҳи ўртасидаги қарама-қаршиликлар, ҳарбий можаро ва уруш ҳаракатларини чекловчи шарт-шароитлар яратилган халқаро муносабатлар ҳолати сифатида шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, бобда ушбу минтақада хавфсизлик соҳасида кечаётган жараёнлар динамикаси ҳам таҳлил этилган. Унда Ўрта Ер денгизи минтақасида кечаётган жараёнлар стратегик ва геосиёсий хусусиятлар замирида ўзгача маъно ва мазмун касб этаётганлиги таъкидланган. Ўрта Ер денгизида кечаётган жараёнларнинг тузилиш ва моҳиятини Ўрта Ер денгизи ва Қора денгиз, шунингдек, бошқа қирғоқбўйи ҳовузлари акваторияларининг умумийлиги билан боғлаш мумкин. Мавжуд умумийлик тарихий, сиёсий-иқтисодий ва маданий мулоқот таъсирида ўзгариб боради:

Бунда Ўрта Ер денгизи хавфсизлик тизимининг таркибий қисмлари бўлмиш Европа ва Яқин Шарқ минтақалари ўртасида фарқли жиҳатлар яққол кўзга ташланади:

-Европа интеграцион механизмларининг устунлиги ва Яқин Шарқ механизмларининг дезинтеграцияси;

- АДҲ (Яқин Шарқнинг муҳим ташкилоти)нинг Европанинг кучли ва таъсирчан ташкилотлари (НАТО, ЕИ ва б.қ.)га нисбатан заифлиги;

-Ўрта Ер денгизининг Европа қисмида глобал хавфсизлик нуқтаи назаридан эътиборга молик можаролар мавжуд эмас, Яқин Шарқ минтақасида эса, Араб-Исроил можароси ва Ироқ уруши каби мавжуд;

-Европа давлатларининг ўзаро келишилган ташқи сиёсати ва Яқин Шарқда мураккаб иттифоқлар стратегиясининг шаклланганлиги;

-Жанубий Ўрта Ер денгизи (Яқин Шарқ) хавфсизлик тизимининг хусусияти АҚШ, ЕИ, РФ ва БМТ (“Яқин Шарқ квартети”) томонидан минтақавий жараёнларга бўлган кучли таъсир даражаси билан белгиланади.

Айни пайтда, Европа ва Яқин Шарқ минтақалари ўртасида қуролсизланиш борасидаги келишмовчиликлар мавжуд бўлиб, ҳарбий ҳаражатларни ошириш, хусусан, Яқин Шарқ давлатларида ракетали қуролланишнинг авж олдирилиши ҳамда Ғарбнинг (ракета ва ҳаво ҳужумига қарши муҳофаа тизимларини такомиллаштириш) жавоб ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолатлар кузатилмоқда. Яқин Шарқнинг айрим давлатлари томонидан юритилаётган сиёсат оммавий қирғин қуролларни тарқатмаслик режимининг издан чиқишига замин яратмоқда.

Ушбу бобда, шунингдек, Миср ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган бўлиб, бунда МАР минтақавий сиёсатининг йирик “ўйинчи”си ҳамда Ўрта Ер денгизининг муҳим геосиёсий ва стратегик омилларидан бири эканлиги асослаб берилган.

Диссертацияда МАРнинг Араб Шарқидаги фаол сиёсати бош вазифа сифатида эътироф этилган. Зеро, 1979 йили Миср ва Исроил ўртасида тинчлик шартномасининг имзоланиши сабабли, араб давлатлари билан узиб қўйилган муносабатларни қайта тиклашга қайта тиклашга муваффақ бўлган Ҳусни Муборак томонидан Яқин Шарқ муаммосини ҳал этиш борасидаги “Ер эвазига тинчлик” тамойили илгари суриб келинмоқда.

Миср ташқи сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири, АҚШ билан ўзига хос муносабатларни сақлаб келаётганлигидадир. Мусулмон олами билан муносабатларни мувофиқлаштиришга интилаётган АҚШ Президенти Барак Обама 2009 йил 4 июнида Ал-Азхар университетиде сўзлаган нутқида ташрифидан кўзланган мақсад, “АҚШ билан дунё мусулмонлари ўртасида умумий манфаатлар ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларнинг янги саҳифасини очишдан иборат” эканлигини эътироф этди¹.

Европа билан ҳам муносабатлар жадал ривожланмоқда. Қоҳира ЕИни тинчлик жараёнларида фаол иштирок этишга чақиради. ЕИ МАРнинг асосий савдо ҳамкори ва иқтисодиётининг асосий инвестори ҳамдир.

Узоқ муддатли турғунликдан сўнг, РФ билан муносабатларда жонланиш кузатилмоқда. Икки томонлама муносабатларнинг фаоллашуви XX-XXI аср оралиғига тўғри келади.

Африка Миср маҳсулотларини ҳарид қилишда истиқболли ва ҳудудий жиҳатдан яқин жойлашган бозор ҳисобланади. 1998 йилда Миср Африка йўналишидаги ташқи савдони ривожлантириш имконини берувчи Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозори Уюшмаси (КОМЕСА)га аъзо бўлди.

МАРнинг ва Осиё давлатлари билан муносабатлари кўшимча ривожлантирувчи куч вазифасини ўтайди. Хитой билан муносабатларни яхшилаш ХХРга Миср маҳсулоти экспортини кенгайтириш ва Хитой бозорларида сотилувчи Миср маҳсулотлари ҳажмини оширишда МАР ва Хитой муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга.

МАР турли хилдаги халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятидаги иштирокига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Қўшилмаслик ҳаракати, ривожланаётган давлатлар билан анъанавий мулоқот “майдони” вазифасини ўтайди. 1997 йилда МАР “Ислом саккизлиги” га аъзо бўлган.

МАРнинг ташқи сиёсий стратегиясига бағишланган манбалар таҳлили, унинг асосий йўналишлари миллий ва минтақавий хавфсизлик муаммоларини ҳал этишга, давлатнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда Миср иқтисодиётига хориж инвестициясини жалб қилишга қаратилганлигини кўрсатади. Қоҳиранинг ташқи сиёсий фаолияти ҳам айнан

¹ Сойибназаров А. Обама реализм ва прагматизмни танламоқда // XXI аср. – Тошкент, 2009 йил 11 июнь.

хаётий муҳим манфаатлари атрофида кечаётганлигини кузатиш мумкин. Географик ва геосиёсий нуқтаи назардан Миср кўплаб халқаро акторларнинг узоқ муддатли манфаатлари кесишган ҳудудда жойлашган. Унинг бир вақтда кўплаб жуғрофий минтақа (Африка, Яқин Шарқ, Европа), цивилизация (араб ва мусулмон, христиан) ва жараёнларга тегишли эканлиги, мазкур давлатнинг халқаро сиёсий майдоннинг марказий ўринларидан жой эгаллаш имконини беради.

“Миср ва Ўрта Ер денгизи минтақаси давлатлари муносабатларининг геосиёсий жиҳатлари” номли иккинчи боб уч қисмдан иборат бўлиб, у МАРнинг ЕИ, араб олами ва Шимолий Африка давлатлари билан муносабатларини ўрганишга бағишланган.

Диссертациянинг мазкур бобида Мисрнинг қўшни давлатлар билан муносабатлари таҳлил этилган. Унда Миср ўз атрофидаги давлатларнинг барқарор ривожидан манфаатдор эканлиги кузатиш мумкин.

Шу ўринда, Ливия ва Судан давлатлари билан муносабатлар МАР манфаатлари учун стратегик аҳамиятга эга эканлиги қайд этилган. Географик жиҳатдан Ливия Миср ва Мағриб давлатлари ўртасидаги “буфер” вазифасини ўтайди. Шу сабабдан, мисрликлар Ливиянинг Шимолий Африка савдо муносабатлари тизимига киритилиши, Миср бозорларининг кенгайишига хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Миср ва Ливия ўртасида минтақавий ва халқаро хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликнинг кенг ривожланаётганлиги кузатилмоқда. Бунга 2009 йилнинг 6 январида Исроил ва Фаластин можароси атрофидаги вазиятнинг мураккаблашуви муносабати билан Ливия томонидан Миср билан ўзаро келишган ҳолда БМТ ХКга Исроил ҳарбий ҳаракатларини зудлик билан тўхтатиш ҳақидаги резолюция лойиҳасининг тақдим этилгандиги мисол бўла олади.

Судан 1979 йилги Исроил ва Миср шартномасидан сўнг, МАР билан дипломатик муносабатларнинг узилишига йўл қўймаган кам сонли араб давлатларидан бири саналади. 2003 йилда Ҳ.Муборак Суданга ташрифи чоғида, мазкур давлат Миср учун нечоғли муҳим эканлигини маълум қилган¹. МАР учун долзарб аҳамият касб этган муаммолар қаторига фуқаролик уруши ва Дарфур муаммоси кабиларни киритиш мумкин, сабаби айнан улар Миср барқарорлигини сақлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Икки томонлама муносабатларнинг келажаги ички можароларнинг Хартум ташқи сиёсатига нечоғли таъсир кўрсатишига боғлиқ.

Ушбу бобда МАР ва ЕИнинг ҳамкорлик муносабатлари ҳам таҳлил этилган. Европа МАР ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутаяди. Икки томонлама муносабатлар ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга (1977й.) асосланган.

Франция, Италия, Германия ва Буюк Британия давлатлари билан фаол муносабатлар йўлга қўйилган. 2002 йилда Миср ва Франция ўртасида алоқа

¹ Об изменениях в военно-политической обстановке на Ближнем Востоке и в Северной Африке (25 февраля – 2 марта 2008 года) // Инт.: <http://www.iimes.ru/rus/stat/2008/03-03-08c.htm>

ва коммуникация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги 2 та битим имзоланиб, унга кўра, француз инвестициялари 428 млн. еврони ташкил этган. Миср ва Франция ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги Протоколга (2005) кўра Франциядан Мисрга қурол етказиб бериш кўзда тутилган.

Миср ва Италия ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайтиши кузатилмоқда. 2006 йилнинг ноябрь ойида Қоҳирада Миср Президенти Х.Муборак ва Италия бош вазири Р.Продининг учрашуви чоғида минтақавий ва халқаро муаммолар ҳамда Исроил-Фаластин тинчлик жараёнини йўлга қўйиш масаласи муҳокама этилган.

2002 йилда Миср ва Германия ўртасида Қоҳирада Немис университетини очиш тўғрисидаги шартнома ҳамда “Egypt Telecom” ва “Siemens” (МАР телекоммуникацияларини модернизациялаш) ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги 2та битим имзоланган. Миср ГФРнинг араб давлатлари ичидаги (САП ва БАА дан кейинги) 3-ўринли муҳим савдо ҳамкор бўлса, ЕИ ўз навбатида, Мисрнинг йирик савдо ҳамкори саналади.

Миср ва Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва техник ҳамкорлик алоқалари ҳам ривожланмоқда. 2005 йилда икки давлат ўртасида уруғ ва дон маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги Битим имзоланган. Томонлар ўртасида доимий асосда халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама этилади.

Жаҳон иқтисодий инқирози шароитида, Президент И.Каримов таъкидлаганидек: “Экспорт асосан хом ашё етказиб беришдан иборат бўлиб, дунё бозоридаги нарх-наво ўйинларига ҳаддан ташқари боғланиб қолаётгани айрим мамлакатларда валюта тушумларини камайтирадиган, молиявий барқарорликнинг ёмонлашувига олиб келадиган, иқтисодиётни издан чиқарадиган жиддий факторга айланмоқда”¹. Хусусан, Миср бозори ҳам, 2008 йилда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз натижасида ғаллага қўйиладиган халқаро нарх-навонинг кескин ўсиши муносабати билан мураккаб жараёни бошдан кечириб келмоқда.

МАР Евро-Ўрта Ер денгизи ҳамкорлик уюшмасига (ЕЎХУ) аъзо. Унинг бош мақсади Ўрта Ер денгизида ЭСХни барпо этишдан иборат. Миср 1995 йилдан буён ЕХХТда “Ўрта Ер денгизининг шерикчилик йўлидаги ҳамкори” мақоми билан иштирок этиб келмоқда. Миср 2050 йилга қадар Европа ва Ўрта Ер денгизи жанубидаги аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги номутаносибликни 80%га қисқартиришга йўналтирилган аниқ чоратadbирларни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурмоқда.

Диссертациянинг Миср ва Ўрта Ер денгизи давлатлари ўртасидаги хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигига бағишланган қисмида МАРнинг “Ўрта Ер денгизи формати” доирасидаги кўплаб форум ва конференциялардаги фаол иштироки қайд этилган.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 17.

Қоҳира араб ва Европа давлатлари ҳамкорлигида халқаро терроризмга қарши кураш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқишдаги фаол саъй-ҳаракатлари натижасида Испания томонидан тақлиф этилган ҳамда Ўрта Ер денгизи давлатларининг умумий ёндашувларини ақс эттирувчи терроризмга муносабат Кодекси қабул қилинган.

2008 йилнинг июль ойида Парижда Ўрта Ер денгизи иттифоқига 43 аъзо-давлат раҳбарлари иштирокидаги Миср ва Франция музокараларининг натижаси бўлмиш саммит¹ ўтказилди. Ҳар икки томон Ўрта Ер денгизи жараёнларининг сиёсий ҳомийлари сифатида иштирок этмоқда.

Миср Ўрта Ер денгизи ҳамкорлиги доирасидаги ҳарбий машғулотларда фаол иштирок этиб келмоқда. МАРнинг бевосита иштироки ёхуд унинг худудида ҳарбий машғулотларнинг ўтказилиши, Ўрта Ер денгизи минтақавий хавфсизлигини таъминлашда Мисрнинг ўрни нечоғлик муҳим эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг учинчи боби – **“Ўрта Ер денгизи минтақаси хавфсизлигини таъминлашда Миср Араб Республикасининг тутган ўрни”** - деб номланиб, у уч қисмдан иборат. Мазкур бобда МАРнинг минтақавий “хавфсизлик учун кун тартиби”ни ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари хусусида фикр юритилган бўлиб, унда Араб-Исроил можаросини тинч йўллар билан ҳал этиш, МАР ташқи сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканлиги қайд этилган.

Миср араб дунёсидаги минтақавий мақомини ва Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишдаги ролини ошириш мақсадида, ички иқтисодий муҳитни яхшилаш ҳамда Миллий Қуролли кучларни замонавий қурол-яроғ билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратгани ҳолда, АҚШ билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга интиломоқда.

Сўнгги йилларда Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнларида ташаббускорликни сақлаб қолиш интилаётган МАР минтақавий муаммолар, хусусан Яқин Шарқ муаммоси муҳокамасига бағишланган турли даражадаги учрашувларни ўтказишнинг анъанавий жойига айланмоқда. Миср Исроил ва Фаластин ўртасидаги можарони ҳал этиш билан бир қаторда, Фаластин қаршилиқ ҳаракатлари ўртасидаги бирликни шакллантириш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда.

Мисрнинг Араб-Исроил можаросини ҳал этиш борасидаги сўнгги саъй-ҳаракатларига Қоҳирада 2010 йилнинг 31 майида Туркиядан Ғазо сектори томон йўл олган гуманитар ёрдам кемаси “Озодлик Флотилияси”нинг Ўрта Ер денгизида Исроил махсус хизмат вакиллари томонидан қўлга олиниши муносабати билан Ғазода вужудга келган вазият муҳокамасига бағишланган АДУга аъзо давлатлар иштирокидаги фавқулодда сессиянинг ўтказилганлиги

¹ Иттифоқ аτροφ-муҳит муҳофазаси, қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳамда жамоатчилик хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унга ЕИнинг 27 аъзо-давлати ва 10 та Жануб давлати - МАР, Жазоир, Исроил, Иордания, Ливан, Марокаш, Мавритания, Сурия, Тунис, Туркия, ФММ, Албания, Хорватия, Босния ва Герцеговина, Черногория ва Монако аъзо.

мисол бўла олади. Бунда Миср ўзининг Исроил–Фаластин можаросини ҳал этиш борасида мақсадли йўналтирилган саъй-ҳаракатлари ва бир қатор ташаббуслари натижасида, “тинчликсевар давлат”, Яқин Шарқ ҳамда араб ва мусулмон дунёсининг етакчиларидан бири мақомига эга бўлди. Аммо, МАРнинг фаол саъй-ҳаракатларига қарамай, Яқин Шарқдаги қуроли тўқнашувлар ўзининг мантикий яқунига етмади, яъни тинчлик шартномаси имзоланиб, мустақкам минтақавий хавфсизлик тизими ўрнатилмади.

Диссертацияда Мисрнинг ҳарбий қурилиш соҳаси, Қуроли кучларни ривожлантириш масаласи минтақадаги бузғунчилик жараёнига тўсқинлик қилувчи восита сифатида ўрганилган. МАР Яқин Шарқдаги қудратли Қуроли кучлардан бирига эгалик қилади. Бунда МАРнинг ҳарбий кучлари ва ҳарбий ишлаб-чиқариш комплекси ҳақида ҳам фикр юритилган.

Айни пайтда, АҚШ МАРнинг асосий қурол-яроғ таъминотчиси ҳисобланади. Шунингдек, Австрия, ГФР, Дания, ХХР, Франция, Украина ва бошқа давлатлардан кам миқдорда қуроли харид қилинмоқда.

Мисрда миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминловчи муҳим омиллардан бири сифатида ядровий салоҳиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади. МАР уран конларида саноат ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлсада, қуроли ядровий материалларни яратиш имконига эга эмас.

АҚШ билан кенг ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилганлигини эътиборга олган ҳолда, Миср ва АҚШ муносабатларининг яқинлиги Қоҳиранинг ядровий ва бошқа қуролига эгалик қилиш борасидаги уринишларини чекловчи омил эканлигини эътироф этиш мумкин. Шунга қарамай, МАР зарур бўлган қудратли давлат ресурсларига эга бўлиб, ҳарбий соҳада у нафақат минтақадаги етакчилигини мустақкамлаш, балки низоли Яқин Шарқ давлатлари билан чегара ҳудудларида талаб даражасида миллий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш имконига эга.

Мазкур бобда, шунингдек, Ўзбекистоннинг кўплаб ғарб давлатлари билан бир қаторда, араб давлатлари билан ҳам яқин алоқа ўрнатганлиги, мустақилликни қўлга киритган дастлабки йиллардан оқ, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, мусулмон давлатлари, хусусан Миср билан кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келаётганлиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Мисрга ташрифи чоғида бу борада тўхталиб: “Алоқаларни юқори босқичга кўтаришга бўлган интилиш икки томонда ҳам кучли. Мазкур йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига мос келади”¹, деди. Чунончи, ҳар икки давлат сиёсатида ҳам минтақа доирасидаги етакчи давлатлар сифатида минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ташқи сиёсатида Афғонистондаги сиёсий вазият, Миср ташқи сиёсатида эса, Исроил ва Фаластин можароси ва Дарфур

¹ Бобоев А. Исломи Каримовнинг Қоҳира учрашувлари // Халқ сўзи. 2007 йил 19 апрель.

муаммосининг ечими бу борадаги муҳим вазифа саналади. Бинобарин, Президент И.А.Каримов Афғонистон масаласига тўхталар экан: “Албатта, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишдан, аввало, унга қўшни давлатлар манфаатдордир”,-дея таъкидлаган эди¹. Миср ҳукумати томонидан юритиб келинаётган ушбу сиёсий фаолиятнинг муайян қирралари Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатида жуда ўхшаш.

Ўзбекистон ва Миср давлатлари ташқи сиёсати тинчликпарварлик тамойилларига асосланган. Зеро, Президент И.А.Каримов Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш ғоясининг ташаббускори бўлса, Миср Қўшилмаслик ҳаракатининг асосчиларидан бири ҳамда Яқин Шарқ минтақасини ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш ташаббускоридир.

2007 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ва Миср ўртасида уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш тўғрисидаги битимнинг имзоланганлиги иккитомонлама муносабатларнинг юқори поғонага кўтарилганлигидан далолат беради.

Географик жиҳатдан қулай жойлашган, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ва Миср кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришда улкан имкониятларга эга бўлган давлатлардир.

3. ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги асосий хулосалар юзага келди:

1. Мисрнинг миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги сиёсати минтақавий ва глобал хавфсизлик манфаатлари нуқтаи назаридан ҳамда замонавий халқаро-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар каби йўналишларнинг келгусидаги истиқболларидан келиб чиқиб белгиланади. Миср миллий хавфсизлиги кўп босқичли тизимли механизмдан иборат.

2. МАР минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи Ўрта Ер денгизи давлатлари томонидан ҳал этилишини муҳим, деб ҳисоблайди. Бироқ, улар ўртасида минтақани ривожлантириш борасидаги у ёки бу сиёсий қарашларда номувофиқлик кўзга ташланади. Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг самарали механизмини яратишда минтақа давлатларининг умумий таҳдид ва чақириқларига ҳамкорликда қарши кураш моҳиятини англаши муҳим.

3. Миср ташқи сиёсати миллий ва минтақавий хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш, давлатнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратиш ҳамда МАР иқтисодиётига хориж сармоясини жалб этишга қаратилган. МАР Ливия ва Судан билан қизгин

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 20.

муносабатларга эга бўлиб, уларни нафақат қўшничилик муносабатлари, балки МАР хавфсизлигининг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатувчи ички хусусиятга эга бўлган муаммолар ҳам ўзаро боғлайди.

Миср ўз минтақавий сиёсатида, аввало араб давлатлари билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратишни лозим топади. 1979 йилда Исроил билан имзоланган тинчлик шартномасига қарамай, Миср Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнларига бошчилик қилиш бўйича барча асосга эга. Бироқ, араб ва мусулмон оламида хавфсизлик ва интеграция борасидаги принципиал масалалар юзасидан ягона бирдамлик ва яқдил ёндашувларнинг мавжуд эмаслиги мазкур жараён ечимининг якунига тўсқинлик қилмоқда.

4. МАР ЕИ давлатлари ва Европанинг хавфсизлик институтлари билан ўзаро муносабатларда муайян ўзгартиришлар киритишга интилади. Шу ўринда, Қоҳира Брюсселни МАР учун ниҳоятда муҳим бўлган Фаластин муаммосини тинч йўл билан ҳал этишга фаол жалб этиш билан бирга, катта миқдордаги Европа сармояларининг миллий иқтисодиётга кириб келишини таъминловчи зарур шарт-шароитларни яратишга интилади.

Европа давлатлари МАРнинг минтақада тутган ўрни ва мавқеи ЕИ давлатларининг унга бўлган эътиборига мувофиқ тарзда ортиб бораётганлигини эътироф этмоқда. Айни пайтда, АҚШ билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилишини Қоҳиранинг минтақадаги сиёсий-иқтисодий жараёнларда етакчилик қилишга бўлган иштиёқи билан боғлаш мумкин. Бироқ, Миср ва АҚШ ҳамкорлиги икки давлат ўртасидаги муайян қарама-қаршиликларни, хусусан, ўзаро низолашаётган Исроил ва Фаластин ўртасидаги манфаатлар мувозанати борасидаги тафовутларни бартараф этмади.

5. Мисрнинг Араб-Исроил можаросини ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари изчил ва узоқни кўзловчи хусусиятга эга. МАРнинг хавфсизлик соҳасидаги муносабатлари негизда савдо, сармояларнинг жалб этилиши ҳамда ҳамкорликдаги иқтисодий лойиҳаларнинг амал қилиши каби масалалар ётади. Миср дипломатиясининг фаол саъй-ҳаракатлари ва бошқа манфаатдор томонлар билан Фаластин муаммоси ечими борасидаги яқин ҳамкорлик муносабатларига қарамай, томонларнинг сиёсий эркинликка эга эмаслиги ва “халқаро кучлар”нинг ёндашувларида ички тафовутлар мавжудлиги боис, араб дунёси, хусусан, Фаластиннинг араб ташкилотлари доирасида тинчлик жараёнини ўрнатиш борасида муайян қарорга эришилмади. Бироқ, Мисрнинг ушбу йўналишдаги сиёсий фаолияти таҳлили, унинг минтақадаги мавжуд ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, келгусида ҳам тинчлик ўрнатиш жараёнларидаги фаол иштирок этишини кўрсатади.

6. Минтақада нисбатан жанговар Қуролли кучларга ҳамда ривожланган ҲСКга эга бўлган Миср ҳукумати томонидан мудофаа салоҳияти ва давлатнинг ҳарбий имкониятлари самарадорлигини оширишга қаратилган механизм ва воситалар такомиллаштирилмоқда. Миср томонидан мазкур соҳа содда, тактик ва стратегик қуроллардан фойдаланилишига йўл қўймаслик ва тарқатмасликка қаратилган сиёсат сифатида эътироф этилади.

7. Миср Яқин Шарқ ва Ўрта Ер денгизидаги минтақавий хавфсизлик муаммоларини ЕИ, АДУ ва АИ каби ихтисослаштирилган тизимларни яратиш ва ривожлантириш йўли билан ҳал этишга уринмоқда. Ўрта Ер денгизи иттифоқи фаолияти ҳарбий-сиёсий можаролардан тортиб, озиқ-овқат билан таъминлаш, аҳоли бандлиги, юқумли касалликларга қарши кураш ва экологик хавфсизлик каби жанубий Ўрта Ер денгизидаги долзарб муаммоларни комплекс тарзда ҳал этишга қаратилган.

8. Ўрта Ер денгизи ва Марказий Осиё минтақасида, хусусан, халқаро миқёсда хавфсизлик муаммосининг глобаллашуви шароитида, ўз минтақасининг етакчи куч марказлари саналган Ўзбекистон ва Миср ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйиш ҳамда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, яқдил хавфсизлик сиёсатининг юритилиши нафақат миллий ва минтақавий, балки халқаро миқёсда ҳам ўз тасдиғини топиши табиий.

Тадқиқот таҳлилидан келиб чиқиб, диссертант истиқболда қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** амалга оширишни лозим деб ҳисоблайди:

- Ўрта Ер денгизи минтақаси, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги халқаро ва минтақавий муаммоларни, шунингдек, уларни ҳал этишда МАРнинг тутган ўрнини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистондаги бошқа мутасадди таҳлилий марказ ва муассасаларда илмий жиҳатдан ўрганишни давом эттириш;

- минтақавий ва халқаро хавфсизлик масалаларини комплекс тарзда муҳокама қилишда, иккитомонлама эксперт-таҳлилий ва илмий-тадқиқот муносабатларини ривожлантириш зарур. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Ал-Аҳрам қошидаги стратегик тадқиқотлар маркази билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш лозим;

- икки давлат ўртасидаги таълим соҳасидаги, жумладан талабалар ва мутахассис кадрлар алмашинуви доирасидаги ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, Ўзбекистон ва Миср, уларнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ҳақидаги билимларни қўллаш имконини берувчи иккитомонлама ҳамкорлик Дастирининг ишлаб чиқилиши ва ҳамкорликка доир муҳим йўналишларнинг белгилаб олиниши;

- Долзарб аҳамиятга эга бўлган информацион уруш шароитида, халқаро ОАВда Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги ижобий фикрларни ҳамда давлат ташқи сиёсати ва ҳукуматимиз томонидан минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида илгари сурилаётган ташаббусларни ҳаққоний ёритиш мақсадида МАРнинг Яқин Шарқ ва бошқа етакчи ахборот агентликлари ҳамда оммавий ахборот воситалари шунингдек, “Жаҳон” ахборот агентлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Мадаминова Д.И. Яқин Шарқ можароси ва уни ҳал этиш йўллари // Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, ТДШИ, 2004. – Б. 58-64.
2. Мадаминова Д.И. Миср Араб Республикаси ташқи сиёсатида Ливиянинг ўрни // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2007. - №4. – Б. 82-87.
3. Мадаминова Д.И. Минтақавий хавфсизлик // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. - № 6. – Б.102-104.
4. Мадаминова Д.И. Ўзбекистон –Миср ҳамкорлик истиқболлари // Xalqaro munosabatlar – Тошкент, 2007. - №4. – Б. 18-26.
5. Мадаминова Д.И. Глобал ва миллий хавфсизлик тушунчалари диалектикаси // Замонавий халқаро муносабатларда хавфсизлик ва барқарорлик масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.- Тошкент, ЖИДУ, 2007. – Б.26-29
6. Мадаминова Д.И. Ўзбекистон ва МАРнинг манфаатли ҳамкорлик истиқболлари // Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, 2007. – Б. 204-208.
7. Мадаминова Д.И. Ўрта Ер денгизи минтақасида сиёсий етакчиликнинг долзарб муаммолари // Ҳозирги замон сиёсий жараёнларида инсон омили: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, ТДШИ, 2008. – Б. 144-150.
8. Мадаминова Д.И. Участие Египта в мирном урегулировании ближневосточной проблемы в рамках ООН // БМТ тизимини жаҳон сиёсатининг янги архитектурасига мослаштиришнинг концептуал жиҳатлари: Ўзбекистон Республикаси амалиёти. – Тошкент, ТДШИ, 2009. – Б. 180-187.
9. Мадаминова Д.И. Тошкент шахрининг Миср Араб Республикаси олий ўқув юртлари билан маданий алоқалардаги ўрни // Тошкент - жаҳон ҳамжамияти нигоҳида: ўтмишда ва ҳозир. – Тошкент, ЎзДЖТУ, 2009. – Б. 31-33.
10. Мадаминова Д.И. МАР ташқи сиёсатининг устувор йўналишларига доир// Шарқшунослар анжумани – Тошкент, ТДШИ, 2009. – Б. 106-113.
11. Мадаминова Д.И. Миср ва Ўрта Ер денгизи давлатлари ўртасидаги хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик муносабатлари // Илмий ишлар тўплами. – Тошкент: ТДШИ, 2010. – Б. 20-26.

Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Мадаминова Дурдона Искандаровнанинг 23.00.04 – Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари ихтисослиги бўйича «Миср Араб Республикасининг Ўрта Ер денгизи минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш сиёсати» мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: хавфсизлик (миллий, минтақавий, глобал), минтақа, Ўрта Ер денгизи, Яқин Шарқ, Шимолий Африка, ташқи сиёсат, барқарорлик, ҳамкорлик, ташқи сиёсий ташаббуслар, можароларни ҳал этиш, Араб давлатлари уюшмаси, Европа Иттифоқи.

Тадқиқот объектлари: Миср Араб Республикасининг Ўрта Ер денгизи минтақаси хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсати.

Ишнинг мақсади: Мисрнинг Ўрта Ер денгизи минтақавий хавфсизлигини таъминлаш сиёсати, МАРнинг Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги ҳамда минтақавий ва халқаро хавфсизлик ва ҳамкорлик структураларидаги ташқи сиёсий фаолиятининг асосий йўналишлари таҳлилидан иборат.

Тадқиқот методлари: тадқиқотни амалга оширишда қиёсий-таҳлилий, концептуал, тарихий ва сиёсий таҳлил, холислик, даврий изчиллик, сиёсий-социологик усуллардан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Мисрнинг Ўрта Ер денгизи минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш жараёнида тутган ўрни ва роли, МАРнинг Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишдаги иштироки, Мисрнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги, давлатнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги фаолияти ва МАРнинг ташқи сиёсий ташаббуслари комплекс тарзда ўрганилиб, таҳлил этилган.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари ва илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари учун илмий-амалий аҳамиятга эга (ТИВ, таълим муассасалари ва бошқалар).

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертациянинг айрим жиҳатларидан ТошДШИда таълим бериш жараёнида фойдаланилган, диссертация мавзуси юзасидан даврий нашрларда 11 та мақола чоп этилган.

Қўлланиш соҳаси: диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосаларидан олий ўқув юртларида халқаро-сиёсий фанлардан дарс бериш жараёнида, ўқув дастурлари ва услубий қўлланмаларни тайёрлашда, шунингдек олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Мадаминовой Дурдоны Искандаровны на тему: «Политика Арабской Республики Египет по обеспечению безопасности в Средиземноморском регионе» на соискание ученой степени кандидата политических наук по специальности: 23.00.04-Политические проблемы международных систем и глобального развития

Ключевые слова: безопасность (национальная, региональная, глобальная), регион, Средиземноморье, Ближний Восток, Северная Африка, внешняя политика, стабильность, сотрудничество, внешнеполитические инициативы, урегулирование конфликтов, Лига арабских государств, Европейский Союз.

Объекты исследования: политика Арабской Республики Египет в сфере обеспечения безопасности Средиземноморского региона.

Цель работы: анализ политики Египта в сфере обеспечения региональной безопасности в Средиземноморье, основных направлений внешнеполитической деятельности АРЕ в Северной Африке и на Ближнем Востоке, в региональных и международных структурах безопасности и сотрудничества.

Методы исследования: сравнительно-сопоставительный, концептуальный, исторический и политический анализ, политико-социологический.

Полученные результаты и их новизна: комплексно рассмотрены и проанализированы роль и значение Египта в процессах обеспечения региональной безопасности в Средиземноморье, участие АРЕ в урегулировании ближневосточной проблемы, сотрудничество Египта с зарубежными странами, деятельность страны в международных организациях, внешнеполитические инициативы АРЕ.

Практическая значимость: результаты исследования могут иметь научно-практическую ценность для государственных учреждений Узбекистана (МИД, образовательные учреждения и др.).

Степень внедрения и экономическая эффективность: некоторые положения диссертации использованы в процессе преподавания в ТашГИВ, по теме диссертации опубликовано 11 статей в научной периодике.

Область применения: основные положения и выводы диссертации могут быть использованы в процессе преподавания международно-политологических дисциплин в вузах Узбекистана, при подготовке учебных программ, методических пособий, в процессе переподготовки профессорско-преподавательского состава вузов. Материалы диссертации могут быть востребованы для проведения профильной научно-исследовательской работы.

RESUME

Thesis of Madaminova Durdoni Iskandarovna on the scientific degree competition of the doctor of Philosophy in Politics on the specialty: 23.00.04 – Political problems of international systems and global development Subject: “The Policy of Arab Republic of Egypt on ensuring security in the Mediterranean Sea region”

Key words: security (national, regional, global), region, Mediterranean region, Near East, North Africa, external policy, stability, cooperation, external policy initiatives, conflict resolution, League of Arab States, European Union.

Subjects of research: the policy of Arab Republic of Egypt in the sphere of ensuring security in the Mediterranean region.

Purpose of work: the analysis of the policy of Egypt in the sphere of ensuring security in Mediterranean region, the main directions of ARE’s external policy in North Africa and Near East, in the regional and international security and cooperation structures.

Methods of research: comparative, conceptual, historical and political analysis, political-sociological.

The results obtained and their novelty: : the following were jointly reviewed and analyzed: the role and importance of Egypt in the processes of ensuring the regional security in the Mediterranean region, participation of ARE in settling the Near East Problem, cooperation of Egypt with foreign countries, activity of the country in international organizations, ARE’s external policy initiatives.

Practical value: the results of the research may have scientific-practical value for state institutions of Uzbekistan (Ministry of Foreign Affairs, educational institutions, etc.).

Degree of embed and economic effectivity: certain areas of the research have been used for educational purposes in Tashkent State Institute of Oriental Studies, 11 articles on the theme of the research were published in scientific press.

Sphere of usage: the main statements and conclusions of the research may be used in teaching international-political subjects in Uzbekistan’s higher education institutions, in preparation of educational programs and methodical textbooks, in the process of preparation of professor-lecturer staff of higher education institutions. The materials of this research may be used for carrying out a profile scientific-research work.